

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар. Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилмаган ҳисоб-фактура билан этилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тулик календар ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ўн) кун мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатишга деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланганлиги тақдирда, Оператор кейинги календар ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобда, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичиқ бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоби баланси салбий бўлганида 1 (бир) календар ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматларнинг фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади. Томонларга нисбатан жавобгарлиқнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустақил.

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низоларни ва келишмовчиликларни Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзата келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашининг тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар қўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларини содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурожаат қилиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (сигиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф қўрилишидаги мурожаати кўни билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклдаги жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқиний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолатларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бoshлаб кучга киради. Агар Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тутилгандан сўнг Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонент татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришнинг давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири ўзини бекор қилишининг эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонентга нисбатан ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бoshлаб кучга киради ва 20 ____ йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартномани имзоланиши Оферта акцептини (Абонентнинг оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби) билидиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тулик Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг татевис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бoshлаб, 10 (ўн) календар кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада, ҳар бир томон учун биттадан расмийлаштирилган.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

Оператор:

“Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиали
Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шох кучаси, 8 уй
СТІР: 203366731
МФО: 00401
ИФУТ: 61100

Х/р: 20210000404074838035

“Абонент” АТБ

Тел: 950360000/9507500120

E-mail: i.bobev@uzmobile.uz

Навоий ҳудудий бошқармаси бошлиғи



Ш.Н. Ибрагимов

Абонент:

Мижоз: КИЗИЛТЕПА ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти,
Кизилтепа тумани Бустон КФЙ

Бан реквизитлари: 400322860122167072120084

МФО: 00014

ИНН: 200017114



Ф.Ф.Жумаев